




ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИДА ПАТИССОН (CUCURBITA PEPO VAR) ЎСИМЛИГИНИНГ НАВ НАМУНАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Кенжаева Тулганой Рахмоновна
(ТДАУ Термиз филиали. ассистент)
tkenjayeva67@mail.ru

Курбонова Гулчехра Ботирали кизи
(ТДАУ Термиз филиали К/х экинлари селекцияси ва
уруғчилиги таълим йуналиши 305- гуруҳ талабаси)
qurbonovagulchehra99@gmail.com

Бобаяров Хидир Жуманазарович
(ТДАУ Термиз филиали К/х экинлари селекцияси ва
уруғчилиги таълим йуналиши 305- гуруҳ талабаси)
Xidirboboyorov@mail.ru

Аннотация.

Экиш муддатларини аниқлаш учун патиссон нав намуналари плёнкали қопламалар остида ва очик майдонларда экиб ўрганилади. Плёнкалиқопламалар остида экиш учун уруғлар феврал ойининг биринчи ўн кунлигида экилади ва қўчатлар март ойининг биринчи ўн кунлигида қўчириб ўтказилади. Очик далаларга экиш учун уруғлар март ойининг биринчи ўн кунлигида сепилади ва қўчатлар апрел ойининг биринчи ўн кунлигида очик далага ўтказилади. Баҳорги муддатда патиссон ўсимлиги Доспехов усулида экилади. Патиссон жуда иссиқни севадиган ўсимлик. Сувга талабчан. Айниқса гуллаб бошлаган даврида етарли равишда суғориш талабэтилади. Суғориш қанчалик меъорда бўлса, патиссончалар серсув этли бўлади. Патиссон инсон ва ҳайвон организми учун керакли бўлган дармондориларга бой сабзавот экини ҳисобланади. Патиссонни плёнка остида етиштириш ҳосил самарадорлигини оширади.

Қалит сўз.

Патиссон Истиқбол. Натижа. Самарадорлик. Плёнка

Патиссон—майда меваги сершоҳ қовоқдир. Бошқа қовоқдошлардан меваларининг узок муддат етилиши ва ҳосилдорлиги нисбатан камлиги билан фарқланадилар. Аммо уларнинг сифати ва таъми кабачкиникидан кўра мазалироқ. Патиссон сербарг ўсимлик бўлгани учун унинг шикастланган ва эски барглари ҳамда чангланмаган меваларини доимий равишда узиб ташлаш тавсия этилади. Сабзавот қовоқчалари шакли жиҳатдан айрим турларга бўлинади. Масалан: япалок, тарелкасимон, бўйи 5-9см, эни биологик етилганда 42-45см. Тарелкасимон шаклдаги қобирғали меваси 5-10 кунлигида овқатга ишлатилади. Уларни консервалаганда аъло таъмга эга бўлади. Пишиб ўтиб кетгани тахир бўлади.



1-расм. Патиссоннинг дастлабки гули.

Патиссоннинг пўстида қаттиқлик бериб турадиган панцир моддаси бор. Шунинг учун уларни ёшлик даврида, яъни пўстлари қотмасдан узилади. Патиссоннинг ёш мевалари қарсиллайди. Ўзбекистонда Ок-13 ва Заркокил нави тарқалган. Патиссон уруғи баҳорда экилади. Мўл ҳосил олиш учун кўчати тайёрланади. Бунда яхши етилган, йирик уруғлар танланади. Ҳар уяга 2-3 дона уруғ ташланади, экиш чуқурлиги оғир тупроқларда 4-5см, енгил тупроқли ерларда 5-6 см бўлади. Экин ҳамда қатор оралиги 70см дан қолдирилади. Кўчатни экишдан олдин ҳар бир чуқурчага гўнг, кул, супер фосфат солиб тупроқ билан яхшилаб аралаштирилади. Ҳар бир чуқурчага экишдан кейин алоҳида-алоҳида сув қуйилади, кўчатлар униб чиққандан кейин унмаган уруғлар ўрнига бошқа бақувват кўчатлар экилади. Патиссон 110+70х60 см шаклида экилиб, ҳар уяга биттадан



2-расм. Патиссоннинг ёш новдаси

1 гектарга 19000 туп ўсимлик жойлаштирилади. Патиссоннинг меваси вақтида узиб турилса, улар кузги совуқ тушгунча мева беради. Мева тугиш даври навига қараб, 20-90 кун давом этади. Патиссонга қулай шароит бўлса жадал ўсади. 4-8 барг чиқарганда ён новдалари пайдо бўлади. Гуллаши (навига қараб) кўчати униб чиққач 30-60 кундан кейин бошланади. Кўчати унданган биринчи ҳосил йиғгунча 45-85 кун ўтади. Физиологик етилиши учун

100-120 кун керак. Патиссон яъни кулча қовоқ иссиқсевар экин. Уруғининг униш температураси 13-14°C градус, бироқ бундай шароитда кўчатнинг униши жуда секин кечади. Уруғларнинг униб чиқиши учун энг қулай ҳарорат 25-30°C градус. Бундай ҳароратда нҳол 4-6 кундан кейин униб чиқади. Ўсимликнинг нормал ўсиши учун ҳарорат 25-27°C градус бўлиши керак. Ҳарорат 15°C градусдан паст бўлганда ўсимликнинг ривожланиши секинлашади. 8-10°C градусда касалланади. 3-4°C градусда эса 3-4 кундан кейин ҳалок бўлади. Патиссон ўсимлиги салгина совуқни ҳам кўтара олмайди. Патиссон сувга талабчан. Салқин даврда 15-20 кун давомида кун узунлигининг 10-12 соатгача қисқариши урғочи гулларининг очилишини тезлаштиради, эртачи ҳамда умумий



3-расм. Патиссоннинг нав намуналари.

ҳосилини оширади. Патиссон тупроқ унумдорлигига талабчан. У тупроқ эритмқасидаги кислоталилик муҳитнинг ортиқчалигига жуда сезгир. Патиссон тупроқ озукасига

талабчанлиги бўйича ошқовокқа яқин туради.

Қовокдошлар учун шўр босмаган серхосил ерлар зарур. Қовокча ва кулча қавоклар учун мўлжалланган ерни кузда юмшатиб, кузги шудгор қилинади. Ерга экишдан олдин ишлов бериш экиш муддатига қараб белгиланади. Бахорги экиш пайтида у эрта бахорги бороналаш билан бир пайтда ағдармасдан хайдалади.

Кулча қовокни 5 сантиметр чуқурликдаги тупроқ 13-15°C градус исиганда эка бошласа бўлади. Бу муддат жанубий районларда апрелнинг бошида, шимолӣ районларда эса апрелнинг охирига тўғри келади. Патиссон экишни бир ҳафта олдин тупроқ 10-11°C градус исиган пайтда бошлаш мумкин.

Патиссоннинг ҳосилдорлигини ва нав сифатини ўрганиш мақсадида тажриба учун февраль ойида плёнка остида 5 хил патиссон нави экилди. Оқ-13, Заркокил, Диск, Малахит, Скаллоп навларини ўрганиш мақсадида илмий-амалий тадқиқот ишлари ва кузатувлар олиб борилмоқда.

Диск – жуда эрта пишар нав бўлиб, бу патиссоннинг меваси оқ-ялтироқ, оғирлиги 350гр бўлади. Суп ва салатлар тайёрлаш учун қулай. Таъми бодринг ва кабачкиникига ўхшаш бўлади, ҳамда консерваланганда жуда яхши маза беради.

Заркокил – эртапишар нав бўлиб, ўсиш даври 50-60 кун. Палаги кичик, деярли калта. Барги юраксимон, қиррали, яшил рангли. Меваси япалок юлдузсимон, кўп бўлакчалар тарелкасифат бирлашган, майда, яшил рангли, биологик етилганда сариқ тусга киради ва вазни 250-300 гр га етади. Ҳосилдорлиги 1 тупда 10-12 та мева. Озиқ-овқат, консерва ва чорвачиликда яроқли.

Малахит оч яшил рангли, сер эт, меваси тез пишар. Мевасининг ташқи томонида яшил чизиқлари бор. 4-5 кунлик меваси 3-5см бўлади. Ҳар бир тупда 10-12та мева ҳосил қилади. Меваси юмшоқ, истеъмолга жуда қулай.

Оқ-13 нави –тез пишар, серэтлиги, рангининг тиниқлиги билан ажралиб туради. Барглари юраксимон, бўлакларга бўлинмаган. Сербарг. Меваси 3-5 кунлигида узилади. Ранги оқ. Мевасининг шакли думалок, четлари тишчали бўлакларга бўлинган. 1988-йилда районлаштирилган.

Скаллоп нави жуда серхосиллиги, мева шаклининг чиройлилиги, думалок, сал олдинга бўртиб чиққанлиги, четлари тожсимон бўлакларга бўлинганлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Мевасининг таъми ёқимли. Истеъмол қилинганда жуда юмшоқ, 3-5 кунлигида узилади.



4-расм. Патиссоннинг Оқ-13 нави.

Патиссон ўсимлигининг нав намуналарини ўрганиш жадвали
Скаллоп нави

Ранги	Уруғ экиш санаси	Униб чиқиш санаси	Барг бўйи	Барг эни	Барг банди
Оқимтир	15.02.2020	22.02.2020	4.5	3.2	2.5
			4.8	3.5	3
			5	3	3.5
			4.4	3.6	4.4
			3.8	3	3.6

Заркокил нави

Ранги	Уруғ экиш санаси	Униб чиқиш санаси	Барг бўйи	Барг эни	Барг банди
Сут ранг	15.02.2020	22.02.2020	5	3.5	2.7
			4.3	3.3	3.2
			3.8	2.9	2.4
			5	4	3.2
			4	3	2.8

Оқ – 13 нави

Ранги	Уруғ экиш санаси	Униб чиқиш санаси	Барг бўйи	Барг эни	Барг банди
Оқ ранг	15.02.2020	25.02.2020	3.8	2.9	3
			4	3	2.8
			3.5	2.6	2.4
			4.4	3.6	3
			4.2	3.3	3

Диск нави

Ранги	Уруғ экиш санаси	Униб чиқиш санаси	Барг бўйи	Барг эни	Барг банди
Оч яшил ранг	15.02.2020	25.02.2020	3	2.8	2.4
			2.8	2.5	2.5
			3.5	3	2.8
			3.6	2.8	2.7
			3.8	3	3

Малахит нави

Ранги	Уруғ экиш санаси	Униб чиқиш санаси	Барг бўйи	Барг эни	Барг банди
Яшил ранг	15.02.2020	25.02.2020	3.4	2.5	3
			3.5	2.8	3.3
			3	2.5	2.8
			4.4	3.6	4
			4	3.8	3

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи Тошкент 2017 Томорқа сабзавотчилиги “Қовоқ, сабзавот қовоқчалари ва патиссон” 97-101 бетлар.
2. Сабзавот экинлари ва уларни етиштириш технологияси В.Зуев, А.Абдуллаев. “Ўзбекистон” нашриёти – 1997, 208-215 бетлар.
3. Х.Бўриев, В.Зуев, О.Қодирхўжаев, М.Мухаммедов “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.

4. Б.Зуев, А. Абдуллаев Сазавот экинлари ва уларни етиштириш тезнологияси. Тошкент- "Ўзбекистон " -1997 йил, 157-162 бетлар.
5. Либих Т.П.Тыквенные.ВН. Овощеводство.М. "Колос" 2000.стр. 43.
6. Бўриев Х.Ч.Биология развития и семенная продуктивность тыквенный культур. Т. "Меҳнат"1992 йил. стр. 174.
7. Рахматуллахўжаев П.Р.Полиз экинлари. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик справочниги. Т., "Меҳнат" 1987 йил.143-150 бетлар.
8. Бўриев Х.Ч..Зуев В.И., Умаров А.А.Полизчиликдан амалий машғулотлар.Т."Меҳнат" 1997 йил. 102 бет.